

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИДДИЯТЛИ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Жураева Сохиба Нурбаева

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда зиддиятли журналистиканинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинади. Мамлакатда сўз эркинлигининг босқичма-босқич кенгаяётгани, ахборот майдонидаги рақобатнинг ортиши ва янги медиа воситаларининг пайдо бўлиши зиддиятли (конфликтли) журналистиканинг шаклланишига замин яратмоқда. Зиддиятли журналистика тушунчаси, унинг жамиятдаги роли ва ахборот тарқатишидаги ўрнига оид назарий қарашлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида бу йўналишида кузатилаётган асосий тенденциялар ёритилади. Шунингдек, мақолада зиддиятли журналистиканинг ижобий ва салбий жиҳатлари, унинг журналистика этикаси ва қонунчилиги билан боғлиқ муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот натижаларига кўра, зиддиятли журналистика мамлакатда жамоатчилик фикрини шакллантиришида муҳим омилга айланаётгани ва унинг ривожси ахборот сиёсатида мувозанатни сақлашни талаб этиши қайд этилган.

Калит сўзлар: зиддиятли журналистика, Ўзбекистон ОАВ, ахборот эркинлиги, медиа этикаси, журналистика ривожси, ижтимоий таҳлил, конфликтли мавзулар.

Аннотация. В данной статье анализируются тенденции развития конфликтной журналистики в Узбекистане. Постепенное расширение свободы слова в стране, рост конкуренции в информационном пространстве и появление новых медиа создают почву для формирования конфликтной журналистики. Рассматриваются теоретические подходы к понятию конфликтной журналистики, её роль в обществе и значение в распространении информации, а также основные тенденции, наблюдаемые в этом направлении в средствах массовой информации Узбекистана. Особое внимание уделяется положительным и отрицательным сторонам конфликтной журналистики, а также её этическим и правовым аспектам. По результатам исследования отмечается, что конфликтная журналистика становится важным фактором в формировании общественного мнения в стране, и её развитие требует соблюдения баланса в информационной политике.

Ключевые слова: конфликтная журналистика, СМИ Узбекистана, свобода информации, медиаэтика, развитие журналистики, социальный анализ, конфликтные темы.

Abstract. *This article analyzes the development trends of conflict journalism in Uzbekistan. The gradual expansion of freedom of speech in the country, the increasing competition in the information space, and the emergence of new media platforms are creating a foundation for the formation of conflict (or contentious) journalism. The article explores theoretical perspectives on the concept of conflict journalism, its role in society, and its place in the dissemination of information, while also highlighting the main trends observed in this field within Uzbekistan's mass media. In addition, special attention is given to the positive and negative aspects of conflict journalism, as well as the ethical and legal issues related to it. The study concludes that conflict journalism is becoming an important factor in shaping public opinion in the country, and that its development requires maintaining a balance in information policy.*

Keywords: *conflict journalism, Uzbekistan media, freedom of information, media ethics, journalism development, social analysis, contentious topics.*

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ҳамда узоқ муддатли истиқболлар эртанги тараққиётимизни белгилаб берувчи муҳим омил саналади. Хусусан, оммавий ахборот воситалари соҳасида ва журналистикаларнинг фаолиятини янада раванқ топиши учун мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан соҳани ривжлантириш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур амалий ишлар мамлакатимиздаги мавжуд журналистика илмий тадқиқот марказлари ва институтлари учун устувор вазифа саналади. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришган дастлабки кунлариданоқ матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги барча турдаги журналистиканинг ривожланишини англатади.

Мамлакатимизда журналистика соҳасининг вужудга келиши ва унинг тараққий этиши ўзига хос машаққатли йўли мавжуд бўлиб, мазкур йўлни таҳлил қилиб чиқамиз.

Таниқли олим Бойбўта Дўстқораевнинг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” китобида бугунги куннинг журналистикаси “дастлаб ХВИИ асрнинг бошидаги илк даврий босма нашрлар қиёфасида пайдо бўлган. Кейинчалик эса XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX асрда фотография ва кинематографиянинг кашф қилиниши туфайли фото ва киножурналистика ташкил топди. XX асрнинг 20-йилларидан эътиборан радиотехника ютуқлари асосида радиожурналистика тараққий эта бошлади, 40-йилларда эса тележурналистика майдонга келди” деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда журналистика соҳаси XIX аср 2-ярмида (1870 йилларда) пайдо бўлади. Туркистонда нашр этилган илк газеталар - “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” нашрларининг олдида қўйилган вазифалар ўрганилганда уларнинг ўша давр мустабидлик сиёсатини ўтказишда катта роль ўйнаганини кузатишимиз мумкин бўлади.

“Туркистон вилоятининг газети” (қисқартма - “ТВГ”)га муҳаррирлик қилган шахслар орасида ака-ука Иброҳимовлар, М.Чанишев, Н.Остроумов номларини қайд этиб ўтиш жоиздир. Мамлакатимиз ўзининг мустақиллигига эришгач, республика журналистикаси янги бир босқичга қадам қўйди. Жамиятни демократик равишда янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилишга қўмаклашаётган янги тизим шакллана бошлайди. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллик йилларида катта ривожланиш йўлини босиб ўтганини барчамиз яхши биламиз ва бундай ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз”.



Сўнгги йилларда соҳага доир 3 та қонун, мамлакатимиз Президентининг 2 та фармони ҳамда 4 та қарори, ҳукуматнинг эса 10 га яқин қарор ва фармойиши қабул қилинди. Бунинг натижасида мамлакатимизда ахборот олиш ва ахборотлаштириш, сўз эркинлиги ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари очиқлигини таъминлаш, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қатор янгиликлар жорий этилди, имтиёз ва имкониятлар яратилди. Янгиланган Конституциямизда оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби янги норма ва моддаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши тарихий воқеа бўлди.

Журналистика сўзи арабча “табаа” (босмоқ) сўзидан олинган бўлиб, “босма маҳсулот” деган маънони англатади. Яъни, босма усулда чиқариладиган, кўпайтириладиган ҳамма маҳсулот журналистикани ташкил этади. Ана шу журналистиканинг асосий қисмини вақтли, тўғрироғи даврий журналистика ташкил этади. Бу маълум вақтларда, даврий тарзда доимий чиқиб турадиган журналистика нашрларидир. “Оммавий ахборот воситалари” атамаси билан бир қаторда журналистика атамаси ҳам ишлатилади.

Бизга тарихан маълумки, “журналистика” атамаси французча “Жоурнал” сўзидан олинган бўлиб, “кундалик” деган маънони англатади. Демак, журналист кун давомида бўладиган турли соҳаларда ва кўринишлардаги энг сўнгги ахборотларни кенг жамоатчиликка етказишдек муҳим вазифаларни бажарадиган касб эгалари деб айтишимиз мумкин бўлади.

“Жумалистика - ижтимоий фаолият тури бўлиб, ушбу фаолият эгалари (журналистлар) ижтимоий долзарб ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение, ахборот агентликлари, ижтимоий сайтлар ва бошқа шу кабилар) орқали тарқатиш билан шуғулланади”.

Бугунги ахборотлашув асрига кели журналистика тушунчаси, ҳатто, “Оммавий ахборот воситалари” (ОАВ) тушунчасига нисбатан ҳам анча кенгроқ тушунча сифатида қаралиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида мавжуд бўлган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида “Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радио эшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шу билан биргаликда, доимий номга эга

бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ҳамда бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир”, деб ёзилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, журналистика - матбуот, радио, телевидение, кино ҳамда бошқалар учун долзарб мавзулардаги ахборотларни йиғиш, улар устида ишлаш ва таҳлил қилиш, тарқатиш билан шуғулланувчи ижтимоий фаолият тури бўлгани учун ҳам оммавий ахборот журналистика мазмунини, унинг матнини ифодаловчи сифатида намоён бўлиши мумкин.

“Ижтимоий” деган маънони билдирувчи публицистика Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ёзилишича, “Даврнинг ижтимоий сиёсий ва бошқа долзарб масалаларига бағишланган адабий ижод тури. Публицистиканинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, хужжатли факт-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари публицистиканинг предметиدير”.

Шуни эътироф этимиз жонизки, баъзи бир муаллифларнинг ҳар қандай журналистик материал публицистика деб қарашлари бизнингча жудаҳам тўғри эмас. Сабаби публицистикага қўйилган талаб, юқорида айтганимиздек, нисбатан бошқачароқ кўринишда бўлади. Публицистика - ижтимоий фикрларга таъсир этувчи сўз санъатидир.

Бугунги кундаги журналистиканинг пайдо бўлиши ҳамда йиллар давомида ривожланишида мавжуд жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ролини аниқ мушоҳада қилибгина унга нисбатан тўғри баҳо беришимиз мумкин бўлади. Ахир, бежизга матбуот инсон тараққиётининг “кўзгуси” деб айтилмаганини ёдда сақлашимиз керак. Матбуотнинг туғилиши ҳамда уни ривожланиши инсониятнинг янги ҳаёт тарзига, яъни информацияга бўлган эҳтиёжининг пайдо бўлишида жудаҳам муҳим аҳамият касб этган. Лекин бундан журналистика ахборот тарқатиш учунгина пайдо бўлган, деган фикр келмаслигимиз лозимдир. Бу журналистика табиатига тўғри келмаслигини олимлар таъкидлашган.

Зиддиятнинг мавжудлигини англашимизда аввал унинг белгилари қандай намоён бўлишини билишимиз муҳим. Зиддият қатнашчилари томонидан қабул қилинган ҳолатнинг мавжуд бўлиши, зиддият объектининг баҳслилиги, қатнашчиларнинг ўз мақсадларига эришиш учун зиддиятга киришишга тайёрликлари билан белгиланади. Узоқ йиллар давомида ташкилий зиддиятларга салбий ҳолат сифатида қараб келинган

бўлиб, зиддиятларсиз ташкилот, зиддиятсиз жамоа ташкил этишга ҳаракат қилиб келинди. Аммо бугунга келиб ҳаёт зиддиятсиз бўлмаслиги исботланган. Гуруҳ ёки жамоа давлатни самарали бошқариш зиддиятларнинг мавжудлигида намоён бўлиб, у камчиликларни юзага олиб чиқишда қўл келади. Бундай ҳолатда зиддиятлар конструктив, яратувчанлик характериға эға бўлади ҳамда тўғри қарор қабул қилишға муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Лекин бунда зиддиятли ҳолат томонлари, яъни оппонентлар ўз фикрларига эға бўлган ҳолда ахлоқий меъёрлардан четға чиқмасдан бир қарорға келиши лозим бўлади. Дисфункционал, яъни вайронкор ёки вузувчи зиддиятлар шахсий қониқишнинг пасайишиға, гуруҳдаги ҳамкорликнинг йўқолишиға олиб келади. Зиддиятнинг бу каби тури бир томон фақатгина ўз фикрини маъқуллашидан, муроса қилишға ёки ўзаро келишишға бўлган хоҳишнинг йўқлигидан, иккинчи томонни эса ҳақоратлаш, унинг фикрини умуман инобатға олмаслик, ўз устунлигини кўрсатишға бўлган жиддий интилишдан келиб чиқади.

Зиддиятларни таснифлашда албатта уларнинг ўзига хослигини инобатға олиш зарур. Шу нуқтаи назардан уни:

- 1) шахснинг ички қарама-қаршиликлари ва кураши;
- 2) шахслараро;
- 3) шахс ва гуруҳ ўртасидаги;
- 4) гуруҳлараро;
- 5) давлатлараро (ёки давлатлар коалициялари ўртасидаги) зиддиятларға бўлиш мумкин.

Шахсдаги ички қарама-қаршилиқ унинг асабийлашиши, ўз ҳаётий фаолиятидан қониқмаслиги, бир қарорға кела олмаслиги натижасида пайдо бўлади. Масалан, Зигмунд Фрейднинг психоанализ назариясига кўра, ички зиддият “Мен” ва “Ўзига юқори баҳо бериш”дан келиб чиқади. Мазкур зиддиятлар руҳий асосға эға бўлиб, шахснинг ўзига паст ёки жуда юқори баҳо беришидан келиб чиқади. Улар конструктив ва деструктив характерға эға бўлиб, шахснинг руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, олий ўқув юртининг талабаси ўзидаги мавжуд билимға кўра, аллақачон етук мутахассис сифатида бирор бир ташкилот ёки корхонада ишлаши, ёхуд докторантурада ўқиши лозимлигини ҳис қилади. Аммо ҳали олий ўқув юртини битирмаганлиги ва қўлида дипломи бўлмаганлиги сабабли у ич-ичидан сиқилади, талаба бўлиб ўзининг даражасига тенг келадиган яхшироқ иш излашға интилади.

Ёки инсон ўзи яшаётган жамият ривожидан қоникмайди. Бошқа, ривожланган давлатга кўчиб кетгиси келади, аммо унинг моддий аҳволи бунга йўл қўймайди. Натижада унда юзага келадиган ички зиддият, уни турли йўлларга бошлайди (яхши иш топишга интилиш, ўз устида ишлаш, яқинлари билан пул устида жанжаллашиш, қарз олиш ва ҳоказо)

Шахслараро зиддият. Бу икки ва ундан ортиқ шахс ўртасидаги зиддият бўлиб, ҳаётда турли сабабларга кўра тез-тез учраб туради. Бунга мисол қилиб, йигитлар ўртасида бир қизнинг муҳаббати учун кураш (ёки аксинча), раҳбар ва ходим ўртасидаги келишмовчилик, қўшнилар ўртасидаги зиддият, жамоат транспорти йўловчилари ўртасидаги тушунмовчилик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин. Бундай зиддиятлар жамиятнинг ҳар бир жабҳасида: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқаларда содир бўлиши мумкин. Шахслараро зиддиятларда инсонларнинг шахсий сифатлари, уларнинг ақлий салоҳияти, тарбияси муҳим аҳамият касб этади.

Шахс ва гуруҳ ўртасидаги зиддият. Гуруҳлар ўз ичига бир қанча муносабатларни мужассам этади ва албатта унда расмий ва норасмий етакчи бўлади. Шу сабабли гуруҳ ичида зиддиятга бориш хавфи кучаяди.

Шахс ва гуруҳ ўртасидаги зиддият конструктив ва деструктив бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда у шахс ва гуруҳ ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчисида гуруҳ ўртасидаги тарқоқликка олиб келади.

Гуруҳлараро зиддият. Мазкур зиддият турли хил гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви натижасида юзага келади. Аксарият ҳолатда бундай зиддиятлар ижтимоий гуруҳлар ичида юз беради. Масалан, мактабдаги синфлар, талабаларнинг гуруҳлари, ишлаб чиқариш бригадалари, ОТМ кафедралари, сиёсий партиялар, этник жамоалар, диний ташкилотлар орасида. Ижтимоий зиддиятларни К.Маркс ва унинг издошлари тадқиқ этишган бўлиб, уларнинг фикрича, зиддият асосида иқтисодий, ижтимоий, маданий, ирқий ва бошқа келишмовчиликлар ётиши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, дунёдаги асосий зиддиятлар гуруҳлараро характерга эга. Буларга асосан этник, ирқий, диний ва маданий белгилар асосида юзага келадиган зиддиятлар киради. Кўп ҳолатларда зиддиятлар этник гуруҳларнинг элементар эҳтиёжларини қон дирмаслик, яъни уларга маълум бир мақом, маданий ўзига хослик, фикр, сўз, дин эркинлигининг берилмаслиги натижасида келиб чиқади.

Давлатлараро зиддият. Бундай зиддиятлар асосан алоҳида давлатлар ва коалициялар ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатида юзага келиши кузатилади. Уларнинг сабаблари турлича яъни, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ҳудудий ва бошқалар бўлиши мумкин. Албатта давлатлараро зиддиятлар асосида, биринчи галда мамлакатлар манфаатларнинг бир бирига зидлиги ётади. Бундай зиддиятларнинг энг хавфли томони - ҳарбий ҳаракатлар бошланган тақдирда одамларнинг оммавий равишда қирилишидир. Давлатлараро зиддиятларни мувофиқлаштириш ва жаҳонда тинчликни сақлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарвар фаолияти муҳим роль ўйнайди. Унинг асосий вазифаларидан бири сайёранинг хавфли нуқталарида тинч аҳолтини ўлимдан ва турли хавфлардан сақлашдир.

Айтиш жоизки, юқорида санаб ўтилган барча зиддиятларнинг турлари бир-бири билан доимо алоқада бўлиб, ўзаро таъсир этиш кучига эга.

Масалан, халқаро зиддиятлар кўп ҳолатларда давлатнинг ички зиддиятларига, давлат эса гуруҳлар ўртасидаги зиддиятга, гуруҳлар шахс ва гуруҳ ўртасидаги зиддиятга таъсир ўтказади.

Зиддиятларнинг бошқа турлари. Албатта юқорида келтирилган зиддиятлар таснифи тўлиқ эмас. Бугунги кунда уларни бир қанча белгиларга қараб ҳам бўлиш мумкин.

1. Одамларнинг ҳаётини фаолиятига қараб:

- маиший;
- оилавий;
- меҳнат жамоалари ва турлари бўйича;
- ҳарбий;
- ўқув-педагогик ва ҳоказо5.

2. Зиддиятлар келиб чиқадиган объектларнинг характерида қараб:

- захирали;
- мақомли-ролли;
- ижтимоий-маданий;
- ғоявий ва бошқалар.

3. Таъсир кўрсатиш ва вазифаларнинг тақсимланиши бўйича:

- “вертикал” зиддиятлар (раҳбар - ходим, юқори турган ташкилот - куйи ташкилот);
- “горизонтал” зиддиятлар (бир хил мақомдаги раҳбарлар ўртасида, ҳамкасблар ўртасида).

4. Моҳиятининг фарқланиши бўйича:

- конструктив ва деструктив;
- қисқа ва узок;
- реалистик ва нореалистик;
- локал, ҳудудий ва халқаро.

5. Фалсафий нуқтаи назардан зиддиятнинг маълум шаклда намоён бўлиши миқёси ҳамда тарқалиш кенглигига қараб, унинг умумий ва жузъий кўринишларини белгилаш мумкин. Умумий зиддиятга барча соҳаларда, предмет ва ҳодисаларда вужудга келадиган ва мавжуд бўлган зиддиятлар киради. Масалан, оқ ва қора, ёмон ва яхши, эзгулик ва жоҳиллик, уруш ва тинчлик ва ҳоказо.

Жузъий зиддиятлар табиатда, жамиятда ва инсон фаолиятида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган қарама-қаршиликлардир. Масалан, табиатда - жисм ва майдон, тортилиш ва итарилиш, ассоциация (уюшиши) ва диссоциация (ажралиш, тарқалиш) бўлса, жамиятда - зиддиятли мулкчилик муносабатлари, шахсий, гуруҳ ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги тафовут ва қарама-қаршиликлар, билиш соҳасида - амалиёт ва назария, ҳиссий ва мантикий билиш ўртасидаги зиддиятлардир. Зиддиятларнинг турларига назар ташлар эканмиз, уларни предметнинг мавжуд бўлиши ва тараққиётни белгилайдиган зиддиятлар тоифасига бўлиш мумкин.

Ички ва ташқи зиддиятлар. Ҳар қандай предметнинг ҳаракати ва ўзгаришида бирламчи ролни ички зиддиятлар ўйнайди.

Ички зиддиятлар предметларнинг ўзларида вужудга келган қарама-қарши хоссаларнинг ўзаро таъсирини билдиради. Атомларда ядро билан электронлар, организмлардан ирсият билан ўзгарувчанлик, жамиятда бозор иқтисодиётининг ижобий ва салбий томонлари ўртасидаги қарама-қаршини ички зиддиятлар туркумига киради.

Ташқи муҳитнинг предметга кўрсатган таъсири ҳам маълум қарама-қаршиликларни юзага келтиради. Ташқи зиддият предметнинг уни ўраб турган муҳит билан, муҳитдаги бошқа предметлар билан қарама-қарши муносабатда бўлишини билдиради. Бу хилдаги зиддият предметнинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратиши ёки аксинча, юксалишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бунини ҳисобга олиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Инсон ва ижтимоий уюшмаларга нисбатан ташқи зиддият ролини ўйнаган табиат билан жамият ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг таъсирини бугунги кунда техноген ва экологик ҳалокатларда кўриш мумкин. Мураккаб объектларда бир вақтнинг ўзида

бир қанча зиддиятлар мавжуд бўлиши мумкин. Шу муносабат билан асосий ва асосий бўлмаган зиддиятларни фарқлаш лозим.

Демак, асосий зиддият - объектнинг ҳаракати ва тараққиётида етакчи ролни ўйнайди, вужудга келишидан бошлаб бошқа объектга айлангунча амал қилади. Физик объектларда тўлқинли ва корпускуляр хоссалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар асосий зиддият сифатида микрозаррачаларнинг табиатини белгилайди. Ирсият билан ўзгарувчанлик ўртасидаги зиддият биологик популяциянинг тараққиётини белгилайдиган асосий зиддиятдир. Асосий бўлмаган зиддият - ташқи ва ички омилларнинг ўзаро алоқадорлигидан, хилма-хил кучларнинг таъсиридан келиб чиққан ва иккинчи даражали ролни ўйнайдиган қарама-қаршиликни билдиради. Экилган ўсимликка нисбатан об-ҳавонинг ноқулай келиши, демографик ўзгаришларнинг иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши асосий бўлмаган зиддиятлар қаторига киради.

Юқорида изоҳланган зиддиятлар доимо ўзаро алоқадор бўлиб, ижтимоий субъектларнинг бир бири билан муносабатга киришиши орқали намоён бўлади. Зиддиятнинг келиб чиқиши учун онг зарур, шу сабабли ноорганик дунёда юз бераётган ҳаётий кўринишларни тўлақонли зиддиятлар қаторига киритиш нотўғридир. Масалан, фасллар алмашинуви, сувнинг тошни емириши, иссиқда қор ёки музнинг эриши ва ҳоказо. Шунингдек, бундай зиддиятларга ҳайвонларнинг яшаш учун курашини ҳам киритиб бўлмайди. Зеро, бу яшаб қолиш мақсадида ўз организмнинг ҳаётий даражасини ушлаб туришдир. Демак, зиддиятлар асосини аввало, манфаатлар ва мақсадлар қарама-қаршилиги ташкил этади.

Хўш, турли хил мусобақалар зиддият турига кирадими? Албатта йўқ. Чунки мусобақа олдиндан белгиланган қоидаларга, келишувга асосан олиб борилади, зиддиятнинг ривож ва унинг якуний хулосаларини эса олдиндан башорат қилиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган истиқболли ишларнинг натижасида ҳар бир соҳада кенг кўламда ўзгаришлар бўлмоқда. Хусусан, журналистика соҳаси ҳам ривожлантириш орқали инсонларнинг дунёқарашни ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим ҳисобланган ахборот билан таъминлашга эришишимиз мумкин бўлади. Шунингдек, соҳа доирасида қабул қилинаётган турли қонун ва фармойишлар эса усбу ҳаракатларнинг пойдевори саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анцупов А.Я., Шипилов А.И. Конфликтология: Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 2000. - 11 с.
2. <https://lex.uz/docs/4188795> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 02.02.2019 йилдаги ПФ-5653-сонли “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2002, 3-жилд, 642-бет.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2002, 7-жилд, 194-бет
5. Лукин, Ю.Ф. Конфликтология: управление конфликтами: Management of the conflicts: учебник для вузов / Ю.Ф.Лукин. - М.: Академический Проект Гаудеамус, 2007. - 19 с.
6. The Context of Social Psychology // Ed. by J. Israel, H. Tajfel. - London, 1972. P.6.
7. Қўшоқов С. Диалектика ва билиш назарияси. <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-314213-1.html?page=7>
8. Челдышова Н.Б., Шпаргалка по социальной психологии. <http://www.koob.ru/cheldyshova>